

## АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- II чорак якунларига кўра, савдоларнинг умумий ҳажми 9,11 триллион сўми (708,81 миллион доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг II чорагига нисбатан 8,62 триллион сўмга ёки 19 баробарга ўсди.
- Шу билан бирга, 4,30 трлн сўми (334,96 млн доллар) ёки 47,13 фоизи биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан тузилган битимларга тўғри келди. Савдо ҳажмининг қолган қисми листингдан ташқари савдо майдончаси (ЛТСМ) битимларига тўғри келди.
- Битимларнинг умумий сони 82 006 тани ташкил этиб, 2024 йилнинг II чорагига нисбатан 43 060 тага ёки 34,43 фоизга камайди. Шундан 67 596 та битим биржа котировкаси варағига киритилган қимматли қоғозлар билан, 14 410 та битим эса листингдан ташқари савдо майдончасида амалга оширилган.
- Ўртача кунлик савдолар ҳажми 144,66 млрд сўми (11,25 млн доллар), ўртача кунлик битимлар сони 1 302 тани ташкил этди. Чорак якунларига кўра,
- UCI индекси 2,02% га пасайиб, 639,75 пунктни ташкил этди.

## БОЗОР ШАРҲИ

### АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми 4,02 трлн сўми (\$313,14 млн) ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 3,80 трлн сўмга ёки 18 баробарга ошди. Савдоларнинг асосий ҳажми (3,90 трлн сўм) Free of Payment (FoP) платформасига тўғри келди.


Акциялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 63,73 млрд сўми (4,97 млн доллар), тузилган битимларнинг ўртача кунлик сони эса 1 022 тани ташкил этди.

Акцияларнинг бозор капиталлашуви 482,19 млрд сўмга ёки 0,20 фоизга камайиб, 242,77 трлн сўми (\$19,19 млрд) ташкил этди. Эркин муомалада бўлган акцияларнинг (free float) бозор капиталлашуви эса 4,09 трлн сўми (\$323,50 млн) ташкил этди.

Чорак якуни ҳолатига кўра, Биржанинг биржа котировкалаш варағида 93 та акция эмитентининг 135 та инструментлари мавжуд эди.

### Акциялар бозорининг асосий кўрсаткичлари


|                              |         | II Ч 2021 | II Ч 2022 | II Ч 2023 | II Ч 2024 | II Ч 2025 |
|------------------------------|---------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| Савдо ҳажми                  | млн сўм | 709 693   | 161 441   | 351 144   | 217 536   | 4 015 269 |
| Ўртача кунлик савдо ҳажми    | млн сўм | 11 265    | 2 647     | 5 952     | 3 626     | 63 734    |
| Битта битимнинг ўртача ҳажми | млн сўм | 34        | 8         | 4         | 2         | 62        |
| Битимлар сони                | дона    | 21 177    | 21 021    | 86 661    | 111 721   | 64 361    |
| Ўртача кунлик битимлар сони  | дона    | 336       | 345       | 1 469     | 1 862     | 1 022     |

**Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми бўйича етакчилар, млн сўм**

\*Топ ахбороти асосий савдо майдончасидан олинган маълумотлар асосида шакллантирилади.

**UCI ИНДЕКСИ**

Чорак якунларига кўра, UCI индекси 2,02% га пасайиб, 639,75 пунктни ташкил этди.

**2025 йил II чораги учун UCI индекси графиги****ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ**

Корпоратив облигациялар бозорида савдолар ҳажми 279,75 млрд сўмни (21,82 млн доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 224,20 млрд сўмга ёки 403,62%га ўсди.

Облигациялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 4,44 млрд сўмни (\$346,36 минг), битимларнинг ўртача кунлик сони 51 тани ташкил этди.

Биржа котиловкалаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 1,46 трлн сўмни (115,48 млн доллар) ташкил этди.

II чорак ҳолатига кўра, 8 та облигация эмитентининг 17 та инструментлари биржа котиловкалаш варағида мавжуд эди.

### Облигациялар бозорининг асосий кўрсаткичлари


|                              |         | II Ч 2021 | II Ч 2022 | II Ч 2023 | II Ч 2024 | II Ч 2025 |
|------------------------------|---------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| Савдо ҳажми                  | млн сўм | 50 948    | 30 040    | 74 204    | 55 548    | 279 752   |
| Ўртача кунлик савдо ҳажми    | млн сўм | 809       | 492       | 1 258     | 926       | 4 441     |
| Битта битимнинг ўртача ҳажми | млн сўм | 1 592     | 3 755     | 669       | 60        | 86        |
| Битимлар сони                | дона    | 32        | 8         | 111       | 925       | 3 235     |
| Ўртача кунлик битимлар сони  | дона    | 1         | 0,1       | 2         | 15        | 51        |

### Облигациялар бозоридаги савдолар ҳажми бўйича етакчилар, млн сўм



\*Топ ахбороти асосий савдо майдончасидан олинган маълумотлар асосида шакллантирилади.

### Облигациялар картаси



**ЛИСТИНГ**

Чорак охирида биржа котировкалаш варағида 101 эмитентнинг 152 та инструменти мавжуд эди.

Ҳисобот чораги давомида инструментлар таркибига 1та эмитентнинг 2та янги чиқарилиши киритилди: оддий ва имтиёзли. Бир вақтнинг ўзида 3та инструмент – 2 эмитентнинг оддий акциялари ва 1 эмитентнинг облигациялари чиқарилди.

**ЛИСТИНГДАН ТАШҚАРИ САВДО МАЙДОНИ (ЛТСМ)**

Чорак якунига кўра, Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 14 410 та битим тузилиб, ўтган йилнинг II чорагига нисбатан 1 990 тага ёки 16,02 фоизга кўпайди.

Савдолар ҳажми 4,82 трлн сўмни (\$373,85 млн) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 22 баробарга ошган.

139 та эмитентнинг қимматли қўғозлари битимлар объекти бўлди.